

# Кун нафаси

4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.



Президентнинг «2023-2025 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Давлатимиз раҳбари «Самарқанд вилояти туризм ва транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, вилоятни «Самарқанд – Янги Ўзбекистон туризм дарвозаси» концепцияси асосида ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.



Шуҳрат Ғаниев Президентнинг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Уринбосари лавозимига тайинланди.



2023 йил 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири в.б. Бахтиёр Саидов Американинг мамлакатдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жонатан Девид Хэникни қабул қилди.



Соғлиқни сақлаш вазири «QURAMAX» компаниясининг барча дориларини сотишни тўхтатишга кўрсатма берди.



UzAuto Motors 2023 йил 4 январдан бошлаб шартнома бериш, автомобилларни топшириш ва тўловларни амалга оширишни вақтинча тўхтатди. Бу ҳолат 4-5 кун давом этиши мумкинлиги айтилмоқда.



Раҳматуллоҳ домла Сайфуддинов ўз аризасига биноан Тошкент шаҳар боши имом-хатиби вазиридан овоз этилиб, «Абу Сахий» жоме масжиди имом-хатиби Абдуқажор домла Юнусов Тошкент шаҳар боши имом-хатиби вазиридан бажарувчиси этиб тайинланди.



Долзарб мавзу

## ГАП АСЛИ МУАЛЛИМЛАРДА...

2023 йилнинг илк кунлари ижтимоий тармоқларда «Физика ва кимё фанини мактабларда чуқур ўргатиш шарт эмас» деган мазмундаги чиқиш муҳокамалар марказига кўчди. Бу чиқишни кескин қоралаб, оёқ тепки қилганлар ҳам, суяганлар ҳам етарли бўлди. Келинг, яхшиси, бошдан дўппини олиб, масалани ётиғи билан таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрайлик-чи...



## Вазир ваъдаси

Амрилло ИНОЯТОВ,  
Соғлиқни сақлаш вазири:



## Янги йил соғлиқни сақлаш тизимида «КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ЙИЛИ» БЎЛАДИ

– Кўпчиликка маълум бўлган коррупция урчиган бир қатор йўналишлар борки, биринчи навбатда уларга барҳам беришимиз керак. Хусусан, ишга жойлаштириш, айниқса, ҳамшираларни, роддомлардаги «суюнчи пули», «кесарча кесиш» учун белгиланган ставкалар, ордер беришдаги таниш-билишчилик каби иллатлар мавжудлигини ҳамма билади. Афсуски, шу ишларни амалга ошираётган айрим нопок шахслар туфайли бутун тизим шаянига доғ тушмоқда. Янги йилни тизимда «Коррупцияга қарши кураш йили» деб эълон қиламиз. Вазирликнинг махсус «Ишонч телефони» ташкил этилади. Шу билан бирга ишонч телефони сифатида ўзимнинг шахсий рақамимни ҳам киритаман.

Манба: t.me/ssvuz

**PS:** Бугун аҳолининг энг кўп эътирозини айни шу соҳага қаратилган. Қолаверса, ўтган 2022 йилнинг сўнггидаги воқеалар – дори воситаларидан болаларнинг заҳарланиб, вафот этиши миллионлаб инсонларнинг дилни хуфтон қилди, соҳага бўлган ишончнинг шубҳа остига қўйди. Шу маънода, бугун вазирнинг айтган сўзлари – ваъдаларини бир нажот муждаси сифатида қабул қилмоқдамиз. Аммо вақт ўтади, тарих саҳифаларига битилган ушбу битикларга бироз фурсатдан сўнг, балки олти ой, балки ундан кейинроқ яна қайтамиз. Ўйлаймизки, ўшанда «Вазир ваъдасининг устидан чиқди» деган жумлани ёзамиз...

Келгуси сонларда ўқинг...



Адабиёт илмига ёниб кирган мунаққид



Матбуот – ҳикмат ва қомиллик чашмаси



Жавобини кутаётган саволлар

# Ishonch

Urt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

2023 йил  
5 январь  
payshanba  
№ 2-3 (4755)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бoshлаган

Фарғона вилояти

## 25 000 000 СЎМЛИК КЕЧИКТИРИШ

Қува туманида яшовчи Дилёржон Қўшмақов Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилиб, Фарғона жамоат саломатлиги институтидан ишдан бўшаганига анча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон меҳнат дафтарчасини ололмай юрганини маълум қилган.

В аҳолининг, Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шартлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, агар иш берувчи айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланиши ҳам белгиланган.

Д.Қўшмақовнинг мурожаати кенгаш мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, унинг меҳнатга оид бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича судга даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан фуқаро Д.Қўшмақовга меҳнат дафтарчасининг кечиктирилган жами

даври учун 24 миллион 660 минг сўм пул маблағлари ундириб берилишига эришилди.

Мансуржон УСМОНОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош мутахассиси

ҳайдовчи Нодиржон Аҳмадалиев билан тузилган меҳнат шартномалари бошқарув раисининг буйруқлари билан бекор қилинган.

Асос сифатида ишчиларнинг ўзлари бошқараётган автокарадан дизель ёнилғисини олиб, сақлаганликлари ва уни юк автомобиласини ювиш мақсадида ишлатилгани юзасидан хизмат текшируви ва касба уюшма кўмитасининг йиғилиш баёни кўрсатилган.

Ишчилар меҳнат шартномалари ноқонуний бекор қилинганидан норози бўлишиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгашига мурожаат

Касаба уюшма аралашгач...

## Қонуний менсимаслик қимматга тушди

қилишди. Ариза кенгашининг меҳнат ҳуқуқи инспектори Ҳабибилло Усмонов томонидан кўриб чиқилди.

Ўрганиш натижасида иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 102-моддасида кўзда тутилган бандлари бажарилмагани – ёзма (имзо чектириб) огоҳлантирилмагани ёки унга мутаносиб равишда компенсация тўлаб берилмагани аниқланди. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 182-моддаси 5-хатбошида «Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракатлар аниқлангандан бошлаб ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтни ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади» деб белгиланган бўлса-да, меҳнат шартномасини бекор қилишда ушбу модда талабига амал қилилмаганига ойдинлик киритилди.

Аниқланган камчиликларни бартаф этиш бўйича қўшма қорхонанинг бошқарув раисига ёзма кўрсатма киритилишига қарамай, таасуфки, унинг ижроси таъминланмаган. Шундан сўнг қорхона ишчиларининг ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган иш кунлари учун ҳақларини ундириш юзасидан Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Даъво аризалари кўриб чиқилиб, мажбурий бекор юрган иш кунлари учун Б. Маъмуржоновга 11 миллион 981 минг 433 сўм, А. Рустамовга 11 миллион 654 минг 113 сўм ва Н. Абдураҳмоновга 7 миллион 642 минг сўм иш ҳақларини ундириш ҳамда ўз вазифаларига тиклаш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилиди.

Анваржон ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»

БИЗНИ ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ҚЎЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДА КУЗАТИБ БОРИШИНГИЗ МУМКИН:

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchyz





Фарғона вилояти

Сарҳисоб



Сирдарё вилояти

«Ehtiro» соҳибалари

# Ҳар бир мурожаат замирида дард бор



Эркинжон НУРАЛИЕВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси

2022 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига 253 та турли шаклдаги мурожаат келиб тушди. Уларнинг барчаси тегишлилиги бўйича ўрганилиб, қаноатлантирилди. Шунингдек, жамоавий мурожаатлар ҳисобига 1 минг 568 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

лар. 7 минг нафардан зиёд ишчи-ходимга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли санаторий-курортларга имтиёзли йўлланма берилди. Бундан ташқари, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» Давлат дастури доирасида 350 нафар ходим касаба уюшмалари тасарруфидagi сифатдошларда бепул соғломлаштирилди.

соғломлаштириш мавсумида 11 минг 600 нафар болажоннинг оромгоҳларда дам олишлари эришилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан татбиқ этилган ноёб тизим – «Аёллар дафтари» орқали вилоятимизда ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокимининг амалий ёрдами ва бошчилигида жорий йилда «Аёллар дафтари»га киритилган 79 минг 463 нафар хотин-қизга кўрсатилган амалий ёрдамларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш ва опа-сингилларимизга ёрдам бериш ишларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ҳам жонбозлик кўрсатди. Бу ишларни давом эттирган ҳолда «Аёллар дафтари»нинг 4-босқичида ҳам опа-сингилларимизни турмуш даражасини яхшилашга астойдил бел боғлаганмиз.

**Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиздир. Бунга тегаран англаган ҳолда меҳнат жамоаси билан Инсонга эътибор ва сифатли таълим йўлида қилиниши зарур бўлган устувор вазифаларни белгилаб олдик. Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқи ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демокдир.**

Феолиятимизни, албатта, ўз йўналишимиз бўйича ишчи-ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашга, муносиб меҳнат шароитларини яратишга қаратдик.

Иш бевуричларга қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 43 та тақдимнома ва фуқаролик ишлари бўйича судларга 17 та даъво аризаси киритилди.

Натижада ишдан ноқонуний бўшатишдан ҳодимларнинг мажбурий проғул кунлари ва етказилган маънавий зарар бўйича 2 миллиард 78 миллион сўм ундирилди берилди. Жамоа шартномалари орқали 9 минг 301 та корхона ва ташкилотда 17 минг 379 нафар фуқарога 4 миллиард 878 миллион сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Табиики, самарали фаолият юритган ишчи-ходимлар шунга яраша ҳордиқ олишга ҳақлидир-

**Ўтган йил мобайнида қўшимча равишда 808 та корхона ва ташкилотда бошланғич касаба уюшмалари тузилиб, аъзолар сони беш юз мингдан ортди. Ишчи-ходимлар касаба уюшмаси уларнинг ҳимоячиси эканини тушуниб бораётгани, айниқса, қувонарли ҳолдир.**

Шунингдек, ишчи-ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида эҳтиёжманд оилаларнинг 19 минг 311 нафар фарзандлари учун музейлар ва бошқа маданият-истроҳат боғларига бепул ташрифлар амалга оширилди.

Касаба уюшмалари тизимидида туризмни ривожлантиришга қаратилган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» широи остида 26 минг 202 нафар ишчи-ходимнинг қадимий ва навқирон шаҳарларга саёҳатлари уюштирилди. Вилоят бўйича бу йилги болаларни



«Ўтган куним, ўтган йилларни сарҳисоб қилишга одатланганман. 2022 йил мен учун омадли келди. Сабаби 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни муносабати билан тизимнинг бош мукофоти – «Эҳтиром» нишони билан тақдирландим. Шунча йиллик меҳнат эвазига келган тўхфа инсонни ҳаяжонга солар экан...».

# Шириноў опанинг ҳаёт фалсафаси

Ушбу таассуротлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқи инспектори Шириноў Умаралиевага тегишли.

Опанинг умумий меҳнат фаолияти 41 йил бўлиб, айни пайтда касаба уюшмалари тизимидаги энг тажрибали ва фидойи ҳуқуқшунослардан бири сифатида фаолият олиб бораётир.

У кишини таниган одам борки, билиминг, масъулиятли деяр таъриф беради. Шунингдек, ўта меҳнатсевар ҳам. Меҳнат қонунчилигини тўғри ташкил этишда иш бевуричларга тушунтириш бериши, ишловчи ходимлар ҳуқуқлари ҳимояси учун суд махлусларида қатнашиш унинг одатдаги иш кунларига айланган. Шу боис ҳуқуқшуносо

опани вилоятда ҳамма танийди. Маслаҳат сураб, қўнғироқ қилган борки, муаммосига батафсил жавоб олади.

Ковун қовунни кўриб ранг олади, деганларидек, фидойи инсон, албатта, атрофидошларга ижобий таъсир қилмай қўймайди. Касба муносабат, ишда синчковлик ҳам-касбларига ҳам «юққан».

2020-2021 йиллар давомида Ш.Умаралиева томонидан 189 та мурожаат ўрганилиб, ходимлар фойдасига 248 миллион сўмдан ошмиқ маблағ ундириб берилган эди. 2022 йилнинг 9 ойи давомида 42 та мурожаат ўрганилди ва 36 миллион сўмдан ортиқ ҳақлар ўзгаларига тўланадигани эришилди.

Ш.Умаралиева 2011 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сирдарё вилояти бўйича Мин-

тақавий вакили ҳамдир.

Ибратли оила бекаси, 2 нафар фарзанднинг онаси бўлган Шириноў опага маҳалла аҳли, вилоятликлар ҳавас билан қарайди. Яқинда оила сафи кенгайди. Вилоятдаги болалар шаҳарчаси ёпилиб, у ердаги тарбияланувчи болалар оилаларда тарбия топиши учун тарқатилди. Умаралиевлар оиласи биринчилардан бўлиб, болалар уйда тарбияланувчилардан 5 нафарини ўз қарамоғига олди. Ҳозирда ушбу фарзандлар тарбияси, келажаги учун куч ва билимларини аямасдан, иноқ оилалардан бири сифатида яшамокда.

Бу ишларнинг, амалларнинг барчаси Шириноў опанинг ҳаёт фалсафасига ҳамоҳангдир: инсон эзгулик учун яшashi керак.

Озода МАМАДАЛИЕВА «ISHONCH»



Тошкент шаҳри

# Ҳеч ким хаста бўлмасин

Юртимизда 2019 йилдан бери давом этаётган коронавирус пандемиясининг 5-штампи аниқланганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Ҳўш, у билан кураш айни дамда қандай кечмоқда? Вазиятни пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур тумани мисолида ўрганимиз.

Хозирги кунда туманда 353 мингдан зиёд нафар аҳоли истиқомат қилади. Шу йилнинг декабрь ҳолатига кўра, 45 минг 200 нафарга яқин киши шубҳа-гумонлар билан мурожаат қилган ва улардан бактериология лаборатория ходимлари томонидан коронавирус инфекциясига вирусологик текширув учун таҳлил намуналари олинган. Натижада коронавирус инфекцияси билан хасталанганларнинг сони шу кунгача 6200 тани ташкил этди. Бу беморларнинг аксарияти 30 ёшдан ошган инсонлар бўлиб, 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида ҳам, афсуски, ушбу хасталик аниқланган.

Туман СЭО ва ЖСБ томонидан берилган маълумотларга кўра, вирус билан касалланганлар сони ўтган 2021 йилга нисбатан 2022 йилнинг декабрь ҳолатига кўра, 34 фоизга камайган.

Касаллик қайд этилган уйларида, МТТда ва бошқа ташкилотларда санитария-эпидемиологик вазият ўрганилиб, тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда. Дезинфекция бўлими ходимлари томонидан «COVID-19» касаллик ўчоқларида зарарсизлантириш ишлари йўлга қўйилган.

Раъно МАҲҚАМОВА «ISHONCH»

<<< 1

Масала нимада ўзи? Биз мактаб ва мактаб таълимини яхшилашни мақсад қилаемиз. Тўғриси, сўнгги йилларда шу ниятда Президентимиз чакана ишлар қилмади. Соҳага хориж кўрган янги раҳбар қўйиб кўрди, турли янгиликларни жорий этди, маошларга ҳам оз маблағ ажратилмади.

Аммо нега қутилган натижага эришилмапти? Аксариятимиз бугун болаларга берилаётган билимдан умуман қониқмаяпмиз. Ҳўш, сабаблар нимада? Нега аҳвол буткул ўзгармапти?

Бу ҳақда сўз кетар экан, очиги, ҳаммамиз фақат маслаҳат бериш, таклиф айтишга уриняпмиз. Назаримда, биз энг муҳим масалани эътиборга олмапмиз.

Биз ўтган чорак аср давомида кўриб-билиб мактабни, маорифни энг охириги ўринлардаги соҳа даражасида ушладик. Бунинг исботи ўлароқ, педагогика илмгоҳларида кириш баллари бошқа олий ўқув юрталарига нисбатан паст бўлиб келганини эсланг. Кейин қўшимчасига қабулдаги «дополнительный»лар кўпайгандан кўпайди.

Яна айни шу сабаб мактаблар асосан аёллар ишлайдиган масканга айланди. Эракк ўқитувчилар бу шарафли вазифани бирин-бирин тарк этишди. Чунки ўқитувчининг маоши билан рўзгор тебратиш амримаҳол бўлиб қолди.

Ҳа, қутилганидек, оқибат шундай бўлиши керак эди ва шунга келдик ҳам.

Мен Собир Абдуҳаатов деган ўқитувчимиздан кимедан сабоқ олганман. Ёки математикадан дарс берган устозларим сабоқларини тафсилотларигача ҳали ҳамон эслайман. Амаким Иброҳим Эрматов тунлари конспект ёзиб, мижжа қоқмай дарсга тайёрланарди. Конспект дегани ўқитувчини доимий тонузда ушлаб турадиган битта инструмент эди.

Ҳозир қайси ўқитувчи шундай қилади, дарсга тайёрланадиган, касбига жонини берадиган муаллимлар қанча? Биз диктантлар ёзиб, савод чиқарганимиз. Қани ўша савод ҳозир?

Иншоларимизга биронта имло хатосисиз «3» баҳо олганимизда дўппимизни осмонга отганмиз. Ҳозир-чи?

Яна муҳокамаларда эътибордан четда қолаётган жиҳатга қайтсак. Мен таълим соҳасига оид шунча чиқишларда негадир асл маърифатчи бўлган ўқитувчилар аралашганини, эътироз билдирганини, асосли фикрлар айтганини кўрмадим.

Балки таълимдаги оқсоқликларни шу томондан излаб кўрармиз?

Охириги йилларда малака ошириш асосида минглаб ўқитувчилар ўқитилди. Уларга сертификатлар берилди. Шу ўринда бир саволга жавоб керак: ўқитувчиларнинг малакасини ким оширди, ўша улардан билад бўлган «Авлоний»даги домалар нега мундоқ муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, жойларда нималар етишмаётгани ҳақида ҳулосалар бермайдилар? Ахир ўн минглаб ўқитув-



# ГАП АСЛИ МУАЛЛИМЛАРДА...

чининг малакасини бу йўл билан ошириб бўлмайдилар-ку! Нега, аввало, ўқитувчининг ўзини ўқитиш, ўнлаб педагогика таълим даргоҳларидаги хўжақўрсинга берилаётган таълимни бугунги талаб даражасига олиб чиқиш, педагогика билан мактабнинг мақсад-муддасини мувофиқлаштириш борасида гап йўқ? Нега савияси паст бўлган ўқитувчилардан воз кечиш деган талаб йўқ? Бизлар фақат дарсликлар чиқариш бизнеси, соҳадаги пулли ишларни «ислоҳ» қилиш йўлини танлапмиз. Танлашяпти, анкироғи! Бу ерда ростдан ҳам соҳани ривожлантириш истаги кўринмапти-ку!

Лотин алифбоси баҳона таълим, маориф жуда катта саводий инкирозга дуч келди. Мен ўйлайманки, ҳозир саводий ўқитувчининг ўзи анқонинг уруғи. Бу нима дегани ахир? Бу кетишда беш-олти йил ўтиб саводли одамни топшининг ўзи муаммо бўлиб қолайдими?

Киритилган янгиликларнинг қай бири фойда берди? Хусусан, мен кимнингдир манфаатига хизмат қилган, яъни электрон кундаликлар – kundalik.com ҳақида таассуф билан эслайман. Ахир, аслида

эски кундаликлар ҳам қайсидир даражада болаларни, шу жумладан, ўқитувчини ҳам назорат қилиб, жила курси, кузатиб туришга яраб турган битта восита эди-ку, уни ҳам йўқ қилдик. Ҳўш, энди нимага даъво қилаемиз?

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мактаб, маориф соҳаси жуда ҳам кўп «ислоҳот»ларни кўрди. Биров бунга янгилик деб, биров инновация деб киритди. Алалоқибат, энди кўрсак, натижалар жуда ҳам ачинарли.

Дарсликларни қараб кўринг, уларнинг мазмуни, сифатига маймунар йиғлайди. Бундай бе-маза дарсликларни чоп этишга кимдир рухсат берган, уларни кўрган, ўрганган, эвазига маош олган – тўғрими? Аммо негадир бундай абгор ҳолати учун ҳеч ким жавоб бермайдилар. Бу қанақаси бўлди? Энг ёмони, ўқитувчи, яъни шу дарсликлар орқали болаларга сабоқ берадиган маъсул шахсларнинг иштирокини ва муносабатини кўрмадик ҳисоби. Нега уларни ишлатмаймиз? Уларни ўз устида ишлашга ўргатмаймиз? Улар роботлар эмас-ку? Ахир ўқитувчи деганлар айнан педагогика сўзи иштирок этадиган олий ўқув юрталарида айнан педагогик билим билан қуролланган бўлиши, дарсликлар эса худди шу педагогика принциплари асосида тайёрланиши керак-ку! Бунақа талабларни ким ва қачон бекор қила қолди? Ҳеч ким! Ҳўш, шундай экан, нега унда педагоглар жам? Нега?

Бугун мактабларнинг ўзида ўқитувчиларнинг

ижодий ҳамжиҳатлик муҳити мавжудми? Бунга шубҳам бор.

Ўқитувчилар яхши дарс ўтишдан манфаатдорми? Қани шу йўналишда очик рейтинглар, қани Ўзбекистондаги энг яхши ўқитувчиларга Президент истаган ўша мотивация? Шунча саволларга кимдир жавоб берилаптими? Менимча, аввало, худди шу каби изволятини ўртага олиб чиқиш керак.

Унутмайликки, яна беш-олти йилда барча жабҳаларга янги авлод келади. Авлодлар алмашинуви эскирмайдиган, ўзгартириш мумкин бўлмаган қадриятлар, тартиб-тамоийилларни тан олган ҳолда амалга ошиши керак. Ҳар бир янги вазир ўзининг қаричи билан ўлчанадиган ҳар хил ислохотларни амалга оширавериши мантиққа мос эмас. Мактабнинг бош вазифаси ўрта маълумотли авлодни тайёрлаш бўлиши даркор. Ўрта маълумот эса муайян талабларни ўз ичига олиши, уни ҳатто авлиёси ҳам ўзгартирилмаслиги лозим. Булар нималардан иборат бўлиши керакиганини

қатъий белгилаб қўйишимиз шарт ва зарур.

Мактабни битирар экан, ҳар бир ўғил-қиз фанларни муайян даражада ўзлаштириши шарт. У физиками, зоологиями, математиками, кимёми, ўрта маълумотли одамга талаблар бўлиши лозим-ку ахир. Менга фалончи фаннинг эртага кераги йўқ, дейиш ақли одамнинг гапи эмас. Мисол учун, физика ҳаётий фан сифатида ҳаётимизнинг ҳар бир кунда биз билан бирга яшайди. Кимёсиз эса бугунги замонни тасаввур этиш мумкин эмас. Агар етарли билим ва савиямиз бўлганида, йигирмадан ортиқ болажоннинг умрига зомин бўлган дориларни кўр-кўрона болаларимизга бермасдик. Агар яхши ўқиганимизда, дориларнинг қай бири соғлиққа фойдали-ю, қай бири ўта хавfli эканини англандик, билардик. Билимсиз одамнинг ҳаёти эса худди қуноқ ўрмон ичида таваққалига қадам ташлаётган одамга ўхшайди. Ёки бошқачаман?

Энди бугунги муҳокамаларга қайтсак.

Назаримда, биз турли жиддий масалалар ичига кирмасдан, яхши билмасдан турли маслаҳатлар беришни бас қилишимиз керак. Менга бу фикрларга муносабат тарзида таниқли ижодкор Баҳриддин Асрорийнинг билдирган фикрлари маъқул келди. Чиндан-да, у айтганидек, мактабларимизда на физика, на кимё бугун чуқур ўргатилаётгани йўқ. Бошқа фанлар ўргатилаётгани даражаси ҳам мактанарли эмас. Бу эса аслида фожиа. Ҳўш, ўлда-жўлда билим олган бола эртага жамиятга нима беради? У жамият учун хавfli одамга айланмайдими?

*Хулоса ўрнида вазирликка янги раҳбар лар тайинланиши баҳонасида битта таклиф айтмоқчиман. Хурматли вазир, назаримизда, тепадан ва ташқаридан турли «реформа»ларни кучайтиришдан аввал бир устозларнинг тузилга қўлоқ тутинг, уларнинг дардини тингланг, аслида соҳанинг бутун дарду ташвишларини улардан ўтказиб ҳеч ким сизга тўғри таҳлил қилиб бера олмайди. Ислохотларни амалга ошириш ҳам аслида уларнинг интилиши, хоҳиш-иродаси, рағбатига боғлиқ. Бошқа ҳеч ким бу ишни ҳал қилмайди. Имон қадар ташқаридаги турли «билимдон» ва «доно» маслаҳатчиларнинг маслаҳатларини олишдан олдин бевосита ислохотни амалга оширувчи муаллимларнинг олдидан ўтинг. Ҳа, дарвоқе, Финляндия ёки Япония таълим методикаси бўладики, агар уни болаларга етказувчи муаллим чуқур ўзлаштириб ололмаса, бу ишлар натижа бериши қийин...*

Хусан ЭРМАТОВ «ISHONCH»

**PS:** Менимча, маорифни бизнесга айлантиришга уринишлар, дарсликлар ортидаги фириббарликлар учун жамият олдида жавоб берилиши лозим.



**Ўзбекистон  
Республикаси  
Бош вазири  
А. Арипов**

**Ўзбекистон касаба  
уюшмалари  
Федерацияси  
раиси  
Қ. Рафиқов**

**Ўзбекистон  
Иш берувчилари  
Конфедерацияси  
Ижроия қўмитаси  
раиси  
И. Ҳайдаров**

48

**Ўзбекистон  
Республикаси  
Вазирлар  
Маҳкамаси,  
Ўзбекистон касаба  
уюшмалари  
Федерацияси  
ва Ўзбекистон  
Иш берувчилари  
конфедерацияси  
ўртасида  
ИЖТИМОЙ-  
ИҚТИСОДИЙ  
масалалар бўйича  
2023-2025  
йиллар учун  
БОШ ЖАМОА КЕЛИШУВИ**

1

лашиш.  
53. Ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун инклюзив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятлари тўғрисида аҳоли ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилинишини таъминлаш.

54. Ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли ўртасида касбга йўналтириш механизмларини тарғиб қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, Касбга йўналтириш ва мартабани ривожлантириш марказларини ташкил этиш орқали.

55. Меҳнат органлари ва Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳоли ва иш берувчиларнинг хабардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар)ни чекка ҳудудларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил

24

этиш орқали ишга жойлаштириш.

56. Хизмат кўрсатиш моделини такомиллаштириш, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни бошқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат органлари ходимлари меҳнати унумдорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш орқали Давлат бандлик хизмати салоҳиятини кучайтириш.

57. Миллий меҳнат статистикаси тизимини ва халқаро индикаторларни ҳисоблашни такомиллаштириш.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-149-сонли қарорида белгилаб берилган вазифалар доирасида меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

**V. Меҳнат хавфсизлиги  
ва гигиенаси**

25

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқиладиганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ва Иш берувчилар конфедерациясининг вакиллари таклиф этилишини;

касаба уюшмалари Республика кенгашлари раисларининг вазирликлар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳайъатлари мажлисларида иштирок этишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарининг корхонанинг бошқарув органларига киритилишини.

99. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг Ҳукумат, вазирликлар, идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

100. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходим-

44

моя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

2. Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш.

3. Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш.

4. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш.

5. Геология-қидирув ишлари ҳаж-

5

лият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

43. Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса, қишлоқ жойларида яратилишига, иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

44. Норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

20

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларининг бажарилишини ўрганиш;

ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларнинг берилиши ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузлу сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек, жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

29

ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш;

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукамал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

92. Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркалар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бар-тараф этиш.

40

Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерациясининг иштирокини таъминлаш.

19. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётга кенг жорий қилиш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;

аҳолининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳақида хабардорлигини ошириш;

Меҳнат кодексига илмий-амалий изоҳларни ишлаб чиқиш.

20. Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги конвенцияларини меҳнат қонунчилигига имплементация қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш:

Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сон;

Ижтимоий таъминотнинг энг кам нормалари тўғрисидаги 102-сон;

Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сон;

9

каралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш.

36. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ёки унинг бўлинмаси билан олдиндан келишиб олинишини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КР)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш.

37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган «Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати»да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғрисидаги шартларни но-бюджет ташкилотларининг жамоа ке-

16

лиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

72. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид хорижий тажрибани ўрганиш, малака ошириш учун ривожланган давлатларга хизмат сафарларига бориш ҳамда тизимли ишларни ташкил қилиш.

**VI. Ижтимоий кафолатлар,  
ижтимоий ҳимоя**

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

73. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш Стратегиясида қўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ти-

33



Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

59. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

60. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш.

61. Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларининг олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш.

26

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

51. Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли станокларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.) га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармоғини кенгайтириш ва доимий равишда ривожлантириб бориш.

52. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ташкил этилган корхоналарда яратиладиган янги иш ўринларининг 7 фоиздан кам бўлмаган миқдорини заҳира қилиб қўйиш орқали касба уюшмалари ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмалари асосида ушбу иш ўринларига иш топишда қийналаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни талаб мавжуд бўлган фаолият йўналишлари бўйича ишга жойлаштиришга кўмак-

23

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён – «Ҳукумат»), Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси (бундан буён – «Касба уюшмалари») ва Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси (бундан буён – «Иш берувчилар») кейинги ўринларда «Тарафлар» деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил Ўзбекистон манфаатлари устуворлигини эълон қилиб;

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлат сиёсати стратегиясини қўллаб-қувватлаб;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қўйилган: иқтисодий янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳи-

2

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

гиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва якунларини муҳокама қилиб бориш.

107. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

108. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Республика уч томонлама комиссияси амалга оширади.

**2022 йил 16 декабрда Тошкент шаҳрида тузилди.**

47



ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларига улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятининг киритилиши.

64. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартларга му-

30

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

(пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги «Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4939-сонли қарори асосида касба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамоатчилик назорати ўрнатилиши

42. Илғор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёрлаштириш ва унга ҳақ тўлаш соҳасида меҳнат нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш.

#### **IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш**

Меҳнат бозорининг самарали фао-

19

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

мини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш.

6. Иқтисодийётнинг электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодийёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодийётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.

7. Рақамли иқтисодийётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

8. Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибдорлигини ошириш.

9. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

10. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.

6

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

97. Ягона музокара жараёнини татиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли касба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги тармоқ (тариф) келишувларини – тегишли йилнинг январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса – март ойидан кечиктирмай тузишни;

тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларини бажариш якунларини касба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йўғилиш (конференция)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

98. Касба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

43



ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

зимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2705-сонли қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»ни амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

76. Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш.

77. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига дои-

34

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

доирасида 2023 йилда йиллик инфляция даражасини 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслигини таъминлаб бориш, иқтисодийётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларни доимий равишда кўриб бориш.

33. Ҳукумат, иш берувчилар ташкилотлари ва касба уюшмалари ўртасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш бўйича уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тизимини йўлга қўйиш.

34. Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш.

35. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музо-

15

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги 132-сон;

Ҳамшираларнинг бандлиги ҳамда меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисидаги 149-сон;

Ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 155-сон;

Оилавий мажбуриятлари билан меҳнат қилувчилар тўғрисидаги 156-сон;

Меҳнат гигиенаси хизматлари тўғрисидаги 161-сон;

Тадбиркор тўловга қобилиятсиз бўлган тақдирда меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 173-сон;

Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги 183-сон;

Қишлоқ хўжалигида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 184-сон;

Меҳнат соҳасида зўравонлик ва таъқибларни бартараф этиш тўғрисидаги 190-сон конвенцияларини миллий қонун ҳужжатларига имплемен-

10

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

дилар:

90. Аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутибчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар бериш.

91. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус»и бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-хунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида

39



гандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси барча давлат бошқаруви органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

104. Мазкур Келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари тармоқ, ҳудудий (минтақавий) келишувларга ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

105. Мазкур келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

106. Тарафлар мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида қуйида-

46

ятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий мулоқот муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини мутасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш борасида самарали ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

Ўзбекистон Республикасида келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи мазкур Бош жамоа келишувини туздилар (бундан буён «Келишув») ва ўз зимма-

3

аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

48. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битирувчиларининг мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида қўнимлиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

49. Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг беқарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, касаба уюшмаларининг ҳамда Иш берувчилар конфедерациясининг вакиллари ҳокимликлар ҳузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишига кўмаклашиш.

50. Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган

22

62. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда тармоқ ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномаларида кўзда тутилган, ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, sanoat ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда ўрганишни амалда кенг қўллаш.

63. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молия-

27

### Ижтимоий шерикликни ривожлантириш

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

94. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

95. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

96. Норасмий тарзда банд бўлган, шунингдек, кунлик ишчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

42

11. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

12. Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини 1,5-2 баравар кўпайтириш.

13. Худудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш.

14. Худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

15. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида худудларнинг «ўсиш нуқталари»дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш.

16. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий турист-

7

даги 2-2019/ҚҚ, 9 ва 1/103-сонли қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 3130, 2019 йил, 23 январь) «Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом» талабларини татбиқ қилиш.

39. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси кўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатил.

40. Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар

18

вофиқ ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурини тасдиқлаш, уни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш.

65. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

66. Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда Республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш.

67. Банд бўлган аҳолининг меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида қишлоқ ҳўжалигида, sanoatда, қурилишда, алоқада, ташиш ва сақлашда меҳнат муҳофазасига оид талаб ва меъёрлар стандартларини ишлаб чиқиш.

68. Ҳар йили 28 апрель – «Бутун-

31

рида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.

88. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, республиканинг экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда кўмаклашиш.

89. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

### VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблай-

38

тация қилиш имкониятларини ўрғаниб чиқиш.

21. Қуйидагиларга доир таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенцияси лойиҳасига;

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги, «Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида»ги Қонунлари лойиҳалари мазмунига;

«истеъмол саватчаси» ва «тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» тушунчаларини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишга.

22. Меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини ошириш, шу жумладан, касаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш йўли билан.

23. Ижтимоий тармоқлардаги

11

марказини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш.

### III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

31. Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ички маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

32. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар

14

мий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

78. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек, «Саховат» ва «Мурувват» уйларида моддий кўмак чораларини қўллаш.

79. Давлат ижтимоий ёрдамларини, субсидиялар ёки имтиёзли кредитларни олувчи шахслар билан Ижтимоий контрактлар тузилишини таъминлаш.

80. «Саховат» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бир марта Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштириш.

81. Нотинч ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Оилавий саёҳат» туристик пакетларни жорий этиш.

82. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро

35



лаштирилиши;  
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимининг таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса, зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бор шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

28

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

45. Ўзини ўзи банд қилганларни ва яққа тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чора-тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

46. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш.

47. Олий, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож

21

КИРКИШ ЧИЗИГИ

ларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

### I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси»да Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишига ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуйидагиларни ўта муҳим деб ҳисоблайдилар:

1. Иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳи-

4

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

ларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

### X. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги

101. Мазкур келишув 2023-2025 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

102. Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

103. Мазкур келишув имзолан-

45



КИРКИШ ЧИЗИГИ

жаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни»га бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

69. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид Конвенциялари талаблари бажарилиши устидан ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар барча ташкилотларда мониторинг олиб бориш.

70. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

71. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва ижро эти-

32

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

лишувлари ва шартномаларида назарда тутишни тавсия этиш.

38. Ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар барча ташкилотларда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффицентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги Низом» талабларини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январ-

17

КИРКИШ ЧИЗИГИ

лар сонини 9 миллион нафарга етказиш.

17. Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш.

### II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш

Меърий ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

18. Ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда касаба уюшмалари

8

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

93. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш; хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

хотин-қизлар учун саёҳатларини ташкил этиб бориш;

узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек, сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

### IX. Ижтимоий мулоқот ва

41



КИРКИШ ЧИЗИГИ

меҳнат ташкилотининг «Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида»ги 205-сонли Тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

### VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

83. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

84. Даволаниш ва дам олиш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва дам олиш уйлари, шунингдек, болалар соғломлаштириш

36

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси, шунингдек, малака ошириш бўйича барча таълим муассасалари ўқув дастурларига «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида таълим курсларини киритиш ишларини давом эттириш.

28. Ходимлар, иш берувчилар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

29. Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

30. Давлат ва касаба уюшмаларининг инспекциялари тизимини янада мустақамлаш, шу жумладан, «Меҳнат М» Меҳнат низоларини кўриб чиқиш

13

КИРКИШ ЧИЗИГИ

саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

24. Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмаларининг барча вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

25. Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда қўмаклашиш.

26. Маълум бир соҳада ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига ахборот

12

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш.


85. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиш бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўгаракларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

86. Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналмилалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бор шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини касаба уюшмалари соғломлаштириш уйларида бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш.

87. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳла-

37





**AGROSANOAT MAJMU'I  
XODIMLARI KASABA  
UYUSHMASI RESPUBLIKA  
KENGASHI  
JAMOASI**

*Mehnatsevar xalqimizni  
va soha xodimlarini*

**Yangi –  
2023 yil**

*bilan qutlaydi.*

*Oilangizda*

*hamisha*

*xotirjamlik,*

*salomatlik va*

*bayramona*

*kayfiyat*

*hukm*

*sursin.*

*Olgan*

*hosillaringiz*

*har qachongidan mo'l*

*bo'lib va elimiz*

*farovonligiga*

*xizmat qilsin!*



**2023**  
**SOG'LIQNI SAQLASH XODIMLARI  
KASABA UYUSHMASI RESPUBLIKA  
KENGASHI JAMOASI**

*Qalbi qordek oppoq  
yurtimiz ahlini va  
hamkasblarni*

**YANGI – 2023 YIL**

*bilan qutlaydi!*

*Hech biringizni*

*sihat-salomatlik,*

*xonadoningizni bara-*

*ka va yil*

*davomida*

*oilaviy quvonch tark*

*etmasin!*



**TRANSPORT, YO'L VA KAPITAL  
QURILISH, QURILISH INDUSTRIYASI  
XODIMLARI KASABA UYUSHMASI  
RESPUBLIKA KENGASHI JAMOASI**

*Aziz vatandoshlarimizni*

*va soha xodimlarini*

**Yangi – 2023 yil**

*bilan samimiy qutlaydi.*

*Siz azizlarga oilaviy baxt, omonlik*

*va omad tilaydi! Yaxshi niyatlar bilan*

*kutib olganimiz 2023 yil*

*xonadonlarimizga qutlug' kelsin!*



Олимлик  
Оллоҳ нурини  
солган улуғ бир  
мартаба. Бу  
мартабадан  
жамиятнинг  
бутун вужу-  
дига нур, зиё  
тарқалади.  
Олимларнинг  
суҳбатидан  
инсон ўзига  
беқиёс маъ-  
навий бойлик  
олади, қалб  
кенгликларини,  
тафаккур те-  
ранлигини ҳис  
қилади...

Шавкат  
МИРЗИЁЕВ

# ТАЪЗИМ СИЗГА, МУҲТАРАМ УСТОЗ!



**ЖОНКУЯР ОЛИМ ВА ПЕДАГОГ ОҚИЛ САЛИМОВ ҚАЙСИ ЛАВОЗИМДА ИШЛАМАСИН, КИБР-ҲАВО УНГА МУТЛАҚО БЕГОНА. ҲАММА БИЛАН БИРДЕК МУЛОҚОТДА БЎЛАДИ, СИДҚИДИЛДАН МЕҲНАТ ҚИЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ЮКСАК МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ЁШЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДЕК ЭЗГУ МАҚСАДЛАР УНИНГ ҲАЁТИ МАЗМУНИГА АЙЛАНГАН.**

кам ўнга мақоласи чоп этилди.

Юқорида келтирилган далиллар академиклар оқсоқолининг илмий-назарий дунёқараши жуда кенглигидан ва амалий фаолияти серқирралигидан далolat беради. Зеро, у Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини бошқарган пайтлари асосий эътиборни ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашга ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратди. Уша йиллари унинг ўта маданиятли, қатъиятли, талабчан, ўзи ва ҳамкасблари бажараётган ишларга катта масъулият билан ёндашадиган раҳбар эканлигига кўп гувоҳ бўлганмиз. У ҳар қандай муаммони фурсатни қўлдан бой бермай ва ишни пайсалга солмай, имкон қадар тез ва ижобий ҳал этишга интиларди.

Табиийки, раҳбарга хос бу фазилатлар жамоада иш унумдорлиги ошишига, соғлом муҳит яратилишига замин яратди.

Устоз олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимда ишлаганда ҳам ташаббускорлик, ташкилотчилик ва педагогик маҳоратини яққол намойён қилди. Эндигина мустақилликка эришган мамлакатимиз учун ҳар томонлама етуқ ва малакали мутахассис-кадрлар ниҳоятда зарурлигини назарда тутиб, иш юритди. Бунинг учун, аввало, профессор-ўқитувчилар маҳоратини оширишни устувор вазифалардан бири деб билди. Давлат талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида янги кафедра ва мутахассисликлар ташкил этди.

Оқил Салимов кейинчалик ҳам мамлакатимизда олий таълимни ва илм-фанни ривожлантириш, бу борада хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун жон куйдирди. Ўз навбатида, Россиянинг кўплаб олий таълим муассасаларида Янги Ўзбекистонни ўзларининг ишончли ҳамкори сифатида тан ола бошлади. Натижада бу мамлакатдаги бир нечта нуфузли олий ўқув юрталари, чунончи, Бауман номидаги Москва

давлат техника университети (миллий тадқиқот университети), Москва автомобиль йўллари давлат техника университети, Буяк Пётр Санкт-Петербург политехника университети, Санкт-Петербург давлат электроника университети, Москва энергетика институти (техника университети) билан шартномалар имзоланди. Улар ҳозир ҳам амалда бўлиб, барчасига қатъий риоя қилинмоқда.

Бундай ютуқларга катта ҳисса қўшган заҳматқаш олим Оқил Салимовнинг хизматларини нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё аҳли эътироф этди. Соҳадаги фидокорона хизматлари эвазига домла Ўзбекистон Фанлар академияси, Халқаро Олий мактаб академияси, Нью-Йорк Фанлар академияси акадeмигига айланди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, «Дўстлик», «Эл-юрт хурмати», «Буяк хизматлари учун» орденлари билан тақдирланди.

Оқил Умрзоқовичнинг кенг қўламли фаолиятини том маънодаги ватанпарварлик ва миллатпарварликнинг ҳақиқий тисмоли, десақ, асло муболага бўлмайди. Негаки, у келажаги бор ёшларга ҳомиёлик ва саховатпешалик қилди, кези келганда, талабчанликни кучайтирди, кези келганда, ҳаётда ўз ўринларини топиб олишлариға кўмаклашди. Шу тарихи илм-фан фидойиси, ўз соҳасининг билимдони, ишбилармон раҳбар, меҳр-мурувватли ва бағрикенг устоз, ҳалол-поқ ва камтар-камсўқум, иймон-эътиқодли ва инсоф-диёнатли инсон сифатида элга танилди.

Домланинг барча фазилатларини бирма-бир таърифлайдиган бўлсак, том-том китоблар ёзишга тўғри келади. Вақти келиб, шундай бўлади ҳам. Чунки олийжаноб инсонларга хос ижобий жиҳатлар қанча бўлса, деярли барчаси устозда муҳассас.

Ҳазрат Жалолиддин Румийнинг «Яхши инсон ўзидан бахт, ёмон инсон ўзидан тажриба, хатокор инсон ўзидан дарс, мукаммал инсон ўзидан яхши из қолдиради» деган ҳикмати бор: Бутун умрини масъул лавозимларда ишлашга, таълим-тарбия ва илмга бахшида этган Оқил Салимов ҳам ўзидан яхши из қолдириб келмоқда. Деярли ҳар чоракда давлат аҳамиятига молик 2-3 та илмий-назарий ва амалий мақола ёзиб, республика газеталарида чоп эттирмоқда.

Файласуф Конфуций юксак инсоний фазилатларга ҳамда лидерлик қо-

билиятига эга бўлганларни харизматик, яъни феноменал инсонлар, деб атаган. Бу ўринда теран фикр юритадиган, ўта қатъиятли, ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри йўлни танлайдиган, оммани ўз ортидан эргаштира оладиган зотларни назарда тутган. Бундай шарафга лойиқ бўлиш камдан-кам кишиларга насиб этади. Оқил Умрзоқович эса ана шундай феноменал инсонлар тоифасига қиради.

Устознинг шоғирдларидан бири – ўзбек олий таълимини жаҳон андазалари даражасига олиб чиқишда катта жасорат ва матонат кўрсатган профессор Ўқтам Умрзоқов «У ақлан иқтидорли, зийрак, табиятан қалби дарё ва дилбар инсон. Кимнингдир сўзи ёки қилган иши кўнглига оғир ботса-да, асло сездирмайди, тезда унутиб юборади. Шундан бўлса керак, у кишининг ҳаётий фалсафаси «Инсонларни кадрларга қўлга олиш, ёшларни келганча яхшилик қилиб, ёрдам бериш» деган ширордан иборат», деган эди.

Табиийки, одамзоднинг ҳаёти ҳаммаша бир маромда, тинч-хотиржам кечмайди. У баъзан турмуш сўқмоқларида қоқилиши, ҳатто тухмат ва таъна-маломатларга учраши эҳтимолдан холи эмас. Ана шундай қалтис дамларда ҳар ким ҳам қайғу-изтиробларга дош беришининг ва ўзини тезда ўнглаб олишининг уйдасидан чиқавермайди. Бу янглиғ синовларга кўп бор дуч келган Оқил Салимов эса иродаси мустаҳкамлиги боис ҳар сафар голиб чиққан. Масалан, 1988 йил кузида – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига раҳбарлик қилаётган кезлари кўпчилик қатори у ҳам «пахта иши» бўйича жиноят қилишда гумонланади ва олти ойдан ортиқ Москвадаги жазони ижро этиш махсус ҳибс-хонасида сақланади.

– Худого минг қатла шукурки, у ердалигимда яқинларим ва дўсту биродарларим мени ёлғизлатиб қўйишмади, – деган эди домла бир сафар ўша оғир дамларни эслаб. – Нафақат Ўзбекистонда, балки кўшни республикаларда яшовчи айрим сadoқатли оғайнилари ҳам хабар олиб туришиди. Ҳаракатчан ва ўта очик кўнгли инсон, содик шоғирдим Шавкатжон Миромонович эса посылка юборганди. Буни унутиб бўлмайди...

Орадан кўп ўтмай Оқил Салимовнинг айбислиги исботланди ва у озодликка чиқарилди. Истиқлол даврида эса аввалгидан-да каттароқ хурмат-эъ-

тибор қозонди ва юқори мавқега эришди. Охириги пайтларда у Халқаро Олий мактаб академиясининг Ўзбекистон филиали раҳбари, Республика истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси раиси вазибаларини бажармоқда.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторидан жой олиши учун аграр соҳада, илм-фанда, таълим тизимини ва бошқа соҳаларда кластер тизими жорий этилиши лозимлигини бот-бот таъкидлаб келяпти, – деган эди суҳбатлардан бирида домла. – Енгил санoат, нефть-газ, кимё, биотехнология, АКТ, автомобил-созлик, транспорт-логистика, рекреация-туристик, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асалари-чилик, ипакчилик соҳаларида кластер тизимини яратиш илмий-тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайди. Инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишининг янги имкониятларини яратди. Шунингдек, кластер тизимида таълим ишланмаларини тайёрлаш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва илмий изланишлар билан машғул ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарларни Ўзбекистон бренди билан ихтиро қилиш учун қўлай шароитлар юзага келади.

Жонкуяр олим ва педагог Оқил Салимов қайси лавозимда ишламасин, кибр-ҳаво унга мутлақо бегона. Ҳамма билан бирдек мулоқотда бўлади, сидқидилдан меҳнат қилади. Мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш, миллий тараққиётимиз учун хизмат қилувчи юксак малакали кадрларни тайёрлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадлар унинг ҳаёти мазмунига айланган.

Устоз Олий ва ўрта махсус таълим вазириликда бош маслаҳатчи бўлиб ишлаган пайтлари у кишининг 1910 йилларда Россия империяси томонидан биринчилардан бўлиб ўзбек генерали лавозимига лойиқ кўрилган бо-бокчалонлари Жўрабек генерал ҳақида маълумот олиш учун қабулига бордим. Хонасида вазири Р.Қосимов (жойлари жаннатда бўлсин) ҳам ўтирган экан. Мен Жўрабек генералнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапириб, устоздан қўшимча маълумотлар олдим. Шунда вазири менга қараб, «Домла Худоевхон чевараси Ойчучук момонинг набираси эканлигини биласизми?.. Буни, албатта, эътиборда тутинг», деди...

Қачон ва қаерда бўлмасин, биз устозларимиз олдида ҳаммаша қарздор ва бурчлимиз. Эл-юртга сadoқат билан хизмат қилишни, илм-фан ривожига ҳисса қўишни ўзи учун олий бaxт деб билган, мен билан ярим аср мобайнида кўп бор гурунглашган, ҳатто бирга ишлаган академик Оқил Салимовни тўқсон беш ёшга қадам қўйгани билан табриклаб, эзгу ниятларимни билдираман: илоё, халқимизнинг бахтига ҳаммаша соғ-омон бўлинг, биз эса сиздек улуғ устозимиз борлиги билан ҳаммаша ғурурланиб юрайлик.

Яшан Хўжаев,  
профессор

Эътиром



ISSN 2010-5009  
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati rasi),  
Ulug'bek JALMENOV,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfullo AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV,  
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),  
Valentina MARSENKAY (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
«Ulu'g'bek» jam'garmasi raisi va zifafalarini bajar moqda.  
– Prezidentimiz Shavkat Mirziyevov O'zbekiston ilgor mamlaakatlar qatoridan joy olishi uchun agrar sohada, ilm-fanda, ta'lim tizimini va boshqa sohalarda klaster tizimi joriy etilishi lozimligini bot-bot ta'kidlab kelyapti, – degan edi suhbatlardan birida domla. – Engil sanoat, neft-gaz, kimyo, biotekhnologiya, AKT, avtomobil-sozlik, transport-logistika, rekreatsiya-turistik, oziq-ovqat, ta'lim, baliqchilik, parrandachilik, asalari-chilik, ipakchilik sohalari klaster tizimini yaratish ilmiy-tadqiqot va ishlanmalarni moxialashtirish hajmini ko'paytiradi, sifatini yaxshilaydi. Investitsioniy tashqi loyihalarda ishtirok etish, ilmiy-pedagog kadrlar tayyorlash va malakasini oshirishning yangi imkoniyatlarini yaratadi. Shuningdek, klaster tizimida ta'lim ishlanmalarini tayyorlash, ularni qisqa mudatda sinovdan otkazish, ishlab chiqarish va ilmiy izlanishlar bilan mashg'ul xodimlar hamda mutaxassislar mehnatini ko'proq rag'batlantirish, yangi tovarlarni O'zbekiston brendi bilan ixtiro qilish uchun qulay sharoitlar yuzaga keladi.

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mulliflir fikr tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrirlar:  
Z. Rixsiyeva,  
S. Abdurahmonov

Musahhiblar:  
D. Xudoyberganova,  
D. Ravshanova

Sahifalovchi:  
H. Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqti – 00:30  
Topshirishi: 00:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:  
100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy,  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
ATB «Ipoteka banki»  
Yashnobod filiali,  
bank kodi: 00959,  
STIR: 201133889,  
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma G-113  
Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida  
14543 nusxada chop etildi.  
Korxonaning manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Umumiy adadi 31352

## Ҳикмати

Яхши кишилар бирла тутар бўл суҳбат,  
То бергай амон шарирдин ул суҳбат.

Алишер Навоий